# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 21-FEVRAL, SESHANBA, 23 (7952) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам конференция иштирокчиларини, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намояндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёнинг турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган вакилларни қутлаш ва барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва ушбу анжуманда қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бизнинг минтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга улкан ҳисса қўшиб келаётгани учун мазкур конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода жанобларига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўйлайманки, конференция иштирокчилари ушбу форумнинг бош мавзуси, яъни таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари - замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, авваламбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилаётганига эътибор қаратган бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу биз бошимиздан кечираётган ҳозирги кунларда, дунёдаги деярли мутлақ кўпчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рецессия тўлқинларини келтириб чиқариш хавфини туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бутун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган "ўзбек модели" - ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илғор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий граждaнлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб бу мақсадга эришиш асло мумкин эмас эди.

Агарки Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти аввало шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. Бу ўсиб келаётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-ҳунарга эга бўлишини тақозо этади. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Биз бунда ҳар қайси янги ташкил бўлаётган ёш оилада аввало қизларнинг ўзи танлаган муайян мутахассисликка, касб-ҳунарга, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва қатъий позициясига эга бўлиши ғоят муҳим аҳамият касб этишини назарда тутамиз. Шунинг учун ҳам барча зарур фанлар бўйича умумий таълим берадиган мактаблардаги 9 йиллик таҳсилдан кейин ёшларимиз, айниқса қизларимиз мажбурий тарзда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттириши, икки-учта замонавий мутахассислик бўйича касб-ҳунарларга эга бўлиши ўта муҳимдир.

Сизлар кеча ва бугун Тошкентда бўлиб турибсиз, эртага Самарқандга борасиз, кимдир Бухорони, кимдир Хивани - бизнинг ана шу қадимий шаҳарларимизни кўриш истагини билдириши мумкин. Сизлар бу шаҳарлардаги тарихий ва маданий ёдгорликлар билан танишар экансиз, имкон топиб, олис туманларимиздаги коллежлар, лицей ва мактабларни ҳам бориб кўришингизни истардим. Шунда сиз бу таълим масканлари мамлакатимиз пойтахти - Тошкент шаҳридаги ўқув муассасаларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

(Давоми 2-саҳифада)

## ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАРУХИКО КУРОДАНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Ҳурматли вазирлар,
Конференция иштирокчилари,
Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонда яна меҳмон бўлиш менга катта мамнуният бағишлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқининг 2010 йилда Тошкентда муваффақият билан ўтказилган Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) йиллик мажлиси чоғида кўрсатган самимий эҳтиромини миннатдорлик билан эслайман. Ушбу ажойиб мамлакатда яна бир бор бўлиш, таълим масалаларига бағишланган ва юксак савияда ташкил қилинган мазкур халқаро конференцияда иштирок этиш имконияти учун миннатдорлик изҳор этаман. Шу муносабат билан баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Бевосита таълим масалалари хусусида сўз юритишдан аввал мамлакатингиз иқтисодиёти муваффақиятли ривожланиб бораётгани билан Ўзбекистон халқини табриклашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон 2011 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини яна бир бор намоён этди. Бу муваффақият, Европада ҳамон давом этаётган глобал муаммолар оқибатида жаҳон иқтисодиётида юзага келган мавҳум бир шароитни ҳисобга олганда, айниқса, ғоят катта аҳамият касб этади. Жадал иқтисодий ривожланишнинг муҳим асосларидан бири – бу Ўзбекистоннинг ташқи савдо позицияларининг мустаҳкамланиши ва ҳукуматнинг инвестиция ҳамда ислоҳотларга босқичма-босқич ёндашиши, аниқ стратегияга асосланган макроиқтисодий бошқарувидир. Ўзининг кенг қамрови билан ажралиб турадиган бундай ёндашув мамлакатни ташқи бўҳронлардан ҳимоя қилиш билан бирга, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлади.

Ўзбекистон, шунингдек, иқтисодиётни диверсификация қилиш, айниқса, саноатлаштириш соҳасида улкан муваффақиятларга эришди. Бу жараён, биринчи навбатда, саноатни ривожлантириш, жумладан, табиий газни қайта ишлаб, кимёвий маҳсулотга айлантириш, газ-кимё тармоғини, агробизнес, логистика ва тўқимачилик соҳаларини ривожлантиришга асосланган. Бу ўзгаришлар жараёни нафақат халқ фаровонлигини, балки иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инвестицияларнинг ўз вақтида ва пухта ўйланган ҳолда таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, энергетика ва транспорт соҳаларига киритилиши маҳсулотлар ва хизматлар рақобатдошлигини, ишлаб чиқариш ва савдонинг самарадорлигини ошириш, амалга оширилаётган ўзгаришларни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Буларнинг барчаси иқтисодиёт ривожи ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга қаратилган.

ОТБ Ўзбекистоннинг инвестициялар ва изчил ислоҳотлар йўлидан кучайиб боришида асосий ҳамкорлардан бири бўлиб келди ва истиқболда ҳам шундай бўлиб қолади. Биз бугунги кунга қадар ва сўнгги йилларда давлат ва хусусий сектордаги лойиҳалар учун қарийб 3,8 миллиард доллар ажратдик. Бизнинг ҳамкорлик алоқаларимиз мустаҳкам рағбатлантирувчи аҳамиятга эга. Бу, айниқса, хусусий секторга инвестиция киритиш, нефть, газ ва нефть-кимё саноатини молиялаштиришда яққол намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

# ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНД ВА БУХОРОНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИЛАР

**Тошкентда 16-17 февраль кунлари "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.**
**Форум иштирокчилари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилдилар.**



Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларимизнинг баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши йўлида доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури баркамол авлодни вояга етказиш, етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, қобилиятини юзага чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётир. Зеро, давлатимиз раҳбари ёшларнинг таълим-тарбияси ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этишини доимо таъкидлаб келади. Шу маънода, ёшларга мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида бир минг икки юздан ортиқ умумтаълим мактаби, 158 касб-ҳунар коллежи ва 14 академик лицей, 7 олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларда 43 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 17 «Баркамол авлод» маркази, 34 болалар мусиқа ва санъат мактаблари ёшлар таълим-тарбияси билан банд.

– Мазкур халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини ва барча иштирокчилар учун ғоят фойдали бўлганини таъкидламоқчиман, – деди **БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер хоним.** – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро конференцияда иштирок этиши ва нутқ сўзлаши ушбу йирик анжуманнинг нуфузини янада оширди. Юртингизда таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида ёшларнинг замонавий технологиялар бўйича билим олиши учун яратилган шарт-шароитларни кўрдим. Бугунги замонда ахборот технологияларининг ҳаётимиздаги ўрни ва роли ошиб бораётганини эътиборга олсак, мамлакатингизда мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ғоят оқилона ёндашувдир ва бу ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистонга ташрифим давомида дунёга машҳур Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш, бу ердаги тарихий обидаларни кўриш имкониятига эга бўлганимдан ғоят бахтиёрман. Самарқанд тасаввур қилганимдан ҳам гўзал ва мафтункор экан.

**Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши президенти Дэн Дэвидсон**нинг (АҚШ) фикрича, бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш, иқтидорли талабалар сафини кенгайтириш, профессионал-маҳоратли кадрларни етиштириш жаҳоннинг барча мамлакатлари учун бирдек долзарбдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг аҳамияти ғоят каттадир. Зеро, нафақат муайян бир мамлакат, балки бутун жаҳон иқтисодиётининг ривожи таълимнинг сифати билан узвий боғлиқдир.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро анжуманнинг очилишидаги нутқи мамлакатингиз таълим тизимида эришилган муваффақиятлар, пухта ишлаб чиқилган таълим моделига оид фойдали маслаҳатларни қамраб олгани билан форумнинг барча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, – деди Дэн Дэвидсон. – Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва муваффақиятли татбиқ этилаётган ушбу таълим модели барча мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги қатор таълим муассасаларида, жумладан, Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей, Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали, 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб, ўқувчилар ва талабалар учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар. Дарс жараёнида иштирок этиб, Самарқанд ёшлари билан бевосита мулоқотда бўлдилар.

– Шинам ва ёруғ хоналарда таҳсил олаётган ёшларнинг ақл ва заковатига ҳавас қилмасдан илож йўқ, – дейди **Халқаро ислом университети ректори, профессор Залеҳа Камарудин хоним (Малайзия).** – Ўзбекистоннинг нафақат пойтахтида, балки барча ҳудудларида халқаро стандартларга жавоб берадиган таълим муассасалари ва сифатли ўқув тизими мавжудлигини алоҳида қайд этишни истардим. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан юртингизда қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам юксак эътироф ва таҳсинга лойиқдир. Ўзбекистоннинг икки бетакрор шаҳри – Тошкент ва Самарқанд ўртасида қатнаётган «Afrosiyob» тезюрар электропоезди йўловчиларидан бири бўлганимдан мамнунман. Ушбу замонавий, қулай, йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган поезд юртингизда барча соҳалари каби темир йўл тизими ҳам изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг, мусиқанинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоялари, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъати муҳим ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримовнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлаётир. Самарқанд шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби бошланғич ихтисослаштирилган мусиқа таълимини ривожлантириш ҳамда шу асосда мусиқа маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш борасида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

– Мазкур мактабда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг санъатга меҳри, қўшиқ айтиш санъати ва турли мусиқа асбобларида гўзал куйларни маромига етказиб ижро этиш қобилияти мени ҳайратга солди, – деди **Лас Вегас университети маъмурий департаменти директори Керри Трентам хоним (АҚШ).** – Мамлакатингизга илк марта келишим. Ташрифим асносида қадимий Самарқандни кўриш, тилларда достон меъморий обидалар ва бебаҳо тарихий ёдгорликларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконига эга бўлганимдан бениҳоя бахтиёрман. Айниқса, Улуғбек расадхонаси ва Регистон мажмуаси менда унутилмас таассурот қолдирди. Шаҳардаги замонавий иншоотлар халқингизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яққол намоён этиб турибди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Самарқанд ва Бухоронинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлиб, қадим шаҳарларимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Самарқанддаги муаззам Регистон майдони, Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасалари, Амир Темур мақбараси ҳамда Улуғбек расадхонаси, Бухородаги Арк қалъаси, Пойи Калон, Нодирдевонбеги ва Баҳовуддин Нақшбанд мажмуаларини катта қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи, Бухоро вилояти мусиқали драма театрини ўз ичига олган Бухоро маданий маркази мажмуи анжуман иштирокчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

– Юксак савияда ташкил этилган ушбу халқаро конференция ҳар бир иштирокчи учун ғоят самарали бўлди, – деди **Бельгиядаги Франция геосиёсат институти етакчи эксперти Пьер-Эммануэль Томанн (Бельгия).** – Тадбир давомида хорижлик меҳмонлар Ўзбекистоннинг нафақат таълим тизимида, балки сайёҳлик соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга эканига амин бўлдилар. Мамлакатингиз ҳудудларидаги ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари ҳам пойтахтингиздаги каби жаҳон стандартларига жавоб берувчи барча зарур шароитларга эга эканини кўрдик. Таълим муассасаларининг муҳташам бинолари барча қулайликларга эга экани, энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани конференция иштирокчиларига жуда манзур бўлди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ёшларининг дарс жараёнларидаги фаоллигини кузатиб, исталган мавзу юзасидан ўқитувчилар билан тенгма-тенг баҳслаша оладиган чуқур тафаккур ва билимга эга эканига амин бўлдим. Айниқса, уларнинг одоби, маданияти менда унутилмас таассурот қолдирди. Ёшларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашишини кўриб, Ватанига содиқ фарзандлар эканига ишонч ҳосил қилдим.

**ЎзА**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ўн икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг юртимиздаги ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Сиз, конференция қатнашчиларининг кўпчилиги ушбу билим масканлари билан танишар экансиз, улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Касб-ҳунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Сизларнинг эътиборингизни масаланинг ғоят муҳим бир жиҳатига қаратмоқчиман. Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва биз учун ғоят муҳим жиҳати шундаки, уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти - Кембриж университети билан ҳамкорликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси - иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Шуни қайд этиш жоизки, айнан шу йўналиш, яъни қатор академик илмий муассасаларни университетлар ихтиёрига бериш ва ҳамкорликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро замонавий илмий лаборатория мажмуаларини тузиш ҳисобидан олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани айнан шундан далолат беради. Ўтган давр мобайнида ушбу фонд маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти объекти барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очиқ спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланган. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Дастур доирасида коллежлар, лицей ва олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар ва домлалар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу ўринда қуйидаги мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Кейинги ўн йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсди. Бу рақам яна ва яна бир бор шундан далолат берадики, биз ўқитувчилар меҳнатини муносиб тарзда, айтиш мумкинки, устувор даражада баҳоламасдан ва уларга шу асосда ҳақ тўламасдан туриб, бугунги натижаларга, ўз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эришолмаган бўлар эдик. Яна бир бор такрорлайман: ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи кейинги ўн йилда бутун иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларидагига қараганда 1,5 баробар кўп ошди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Менимча, дунёнинг бошқа давлатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 10-12 фоизини ташкил этадиган бундай кўрсаткични камдан-кам учратиш мумкин. Бу биз учун таълим жараёнларининг нақадар улкан устувор аҳамиятга эга эканини, мамлакатни ислоҳ қилиш ва Ўзбекистонда замонавий демократик давлат барпо этиш бўйича бошланган ишларнинг давомчиси бўладиган, янги ғояларни дадил илгари сурадиган ёш авлодни тарбиялайдиган ўқитувчилар меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимизда 1996 йилда қабул қилинган қонунга кўра, ҳар йили 1 октябрь санаси Ўқитувчилар ва мураббийлар куни - умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётгани ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилигимиз томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ишончим комил, Ўзбекистонда дунёдаги энг олижаноб ишга ўзини бағишлаган инсонлар учун қилинаётган барча ишлар ўзини тўла оқламоқда. Агарки биз ҳақиқатан ҳам муносиб авлодни тарбияламоқчи бўлсак, ёшларимизга таълим-тарбия бераётган инсонларга муносиб тарзда муносабатда бўлишимиз лозимлигини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадиган сиз, муҳтарам анжуман иштирокчиларининг ҳузурингизда бу сўзларни айтиш менга айниқса мамнуният бағишлайди.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкининг салкам 290 миллион доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг "КфВ" банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим.

Мана шу юксак минбардан туриб, биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани ҳал этишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб, беқиёс ёрдам кўрсатиб келаётганлари учун халқаро молия ташкилотлари ва банкларига, барча чет эллик шерикларимиз, хорижий мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният етказади.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистонда қабул қилинган Таълим соҳасини ислоҳ этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича ўтган даврда бажарилган ишларни бугун қандайдир ўлчов ва рақамлар билан баҳолаш жуда қийин, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу билан бирга, бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна бир жиҳатни назарда тутишимиз лозим. Яъни, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур - бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.

Бу борада яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар.

Ўйлайманки, илм-фанда "алгоритм", "ўнлик саноқ системаси" ва "ноль" тушунчаларининг кашф этилиши айнан Хоразмийнинг номи билан боғлиқ экани кўпчиликка яхши маълум. Абу Райҳон Беруний эса Америка қитъаси кашф этилишидан 500 йил олдин бу қитъанинг мавжудлиги ҳақида башорат қилган. Яна бир буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ўша олис XI асрда тиббий жарроҳлик операциясини амалга оширгани билан дунёга машҳур. Энг асосийси - унинг "Тиб қонунлари" асари 500 йил давомида Европанинг нуфузли олий ўқув юртларида барча талабалар учун дарслик сифатида ўрганиб келинган. Буюк астроном Мирзо Улуғбек XV асрдаёқ Самарқандда обсерватория барпо этиб, юлдузлар харитасини тузган. Ўйлайманки, бу улуғ зотларни ҳақли равишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган инсонлар сифатида таърифлаш мумкин.

Биз неча асрлар давомида илм-маърифат ёғдусини таратган буюк аждодларимиз ҳақида гапирар эканмиз, ёш авлодимизга, менинг фарзандларимга қарата такрор ва такрор айтаман: албатта, биз улуғ алломаларимиз даҳоси билан фахрланишимиз керак. Шу билан бирга, ўзимизга савол беришимиз лозим: уларнинг муносиб давомчилари бўлиш учун бугун биз нима қилмоқдамиз?

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу борада ўтган давр мобайнида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни - шу рақамга эътибор беришингизни сўрайман - 2 миллион 300 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз битириб чиққани, жорий йилда эса 500 мингдан ортиқ ўқувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипломини олиб, ўқишни тамомлашини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ёшлар нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айни вақтда мамлакатимиз кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омили ҳисобланади.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисоб-китобларнинг профицити, ташқи қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш муҳимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юксак технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига 80 миллиард доллар ҳажмидаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки қарийб 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 2012 йилдаги ўсиши 16 фоизни ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни якунлаган ҳолда, Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз - дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш йўлида ғоят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуманда муҳокама қилиш учун таклиф этилган, иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти бўлган таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари инсониятнинг буюк мутафаккирларини доимо ўйлантириб келган вазифа - ҳар томонлама уйғун ривожланган баркамол шахсни шакллантиришнинг кўп қиррали ва кенг қамровли муаммоларининг барча жиҳатларини ҳеч бир даражада тўлиқ қамраб олиши мумкин эмаслигини биз албатта яхши тушунамиз.

Иккинчидан, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага кўтарилишга даъво қилиши мумкин эмас. Мамлакатимизда Таълим тизимини ислоҳ қилиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда Ўзбекистоннинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

Ўйлайманки, барчамиз вақт ҳам, таълим тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳам бир жойда тўхтаб турмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Бу борада мазкур соҳада меҳнат қилаётган барча инсонларнинг, нафақат бўлажак кадрларни тайёрлаётган, айни пайтда ана шу кадрлар талаб қилинадиган соҳалар вакилларининг халқаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам конференция қатнашчилари томонидан ялпи йиғилиш ва секция мажлисларида, бошқа мамлакатларда тўпланган қимматли тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, билдириладиган фикр-мулоҳаза ва таклифлар биз учун ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этмоқчиман. Биз мазкур форумнинг асосий маъно-мазмунини ҳам айнан шунда кўрамиз.

Шу ўринда бир таклифни алоҳида таъкидламоқчиман. Қани энди, бундай учрашув ва анжуманлар тез-тез ўтказиб турилса.

Сизлар бу таклифга нима дейсиз? Албатта, Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги ҳақида кўп гапирилади, лекин биз сизларнинг мамлактимизга тез-тез келиб, эл-юртимизга хос ана шу ноёб фазилатни ўз мисолингизда кўпроқ ҳис этишингизни истардик. Бизнинг мулоқотимиз ва ҳамкорлигимиз фақат биз бугун муҳокама қилиш учун йиғилган мавзу нуқтаи назаридангина муҳим эмас. Бундай мулоқотларда наинки муҳокама қилинаётган мавзу доирасидаги, балки кенг кўламдаги бошқа масалалар бўйича ҳам ҳамкорликка асос солинади. Энг муҳими, олимлар, раҳбарлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорлиги орқали, дунёнинг қайси ўлкасида яшаши, ўқиши ва меҳнат қилишидан қатъи назар, талабалар ва ёшларнинг ҳамкорлиги вужудга келади.

Шунинг учун ҳам биз барчангизни Тошкентда, нафақат Тошкентда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешиклари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизда кўришдан хурсандмиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз муҳтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАРУХИКО КУРОДАНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Катта қисми Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги лойиҳаси доирасида амалга оширилган минтақавий аҳамиятга молик инвестицион лойиҳалар мамлакатдаги, шунингдек, Ўзбекистон билан унинг қўшнилари ўртасидаги транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш имконини берди.

Ўзбекистон киритаётган қатор инвестициялар Афғонистонда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва умид уйғотишга хизмат қилаётганидан ғоят мамнунман. Ўзбекистон Кобул шаҳрига электр энергияси етказиб бераётган биринчи ва ҳозирча ягона мамлакатдир. Афғонистон пойтахти бугунги кунда кечаю кундуз узлуксиз Ўзбекистон томонидан электр энергияси билан таъминланмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Афғонистон тарихида биринчи марта темир йўл тармоғини мисли кўрилмаган қисқа муддатларда, бюджет маблағлари доирасида юқори сифат стандартлари асосида барпо этди. Бу ва бошқа минтақавий лойиҳалар янги савдо йўналишларини шакллантирмоқда.

Минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиё учун Буюк Осиё асри сари йўл очмоқда. ОТБнинг яқинда эълон қилинган ҳисоботида XXI аср Осиё асри бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Бундай истиқбол ҳали ўзининг аниқ ифодасини топмаган бўлса-да, лекин, аминманки, ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар ва инвестициялар унга эришишга хизмат қилади. Ўзбекистон бундай эзгу орзунинг реал ҳаётда амалга ошишига ҳисса қўшиш учун барча имкониятларга эга.

Энди, ижозатингиз билан, бугунги конференция мавзуси бўлган таълим масаласига тўхталиб ўтсам.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир. Президент Ислом Каримовнинг шахсан кўрсатаётган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлмоқда. Ўзбекистон бошланғич, ўрта ва олий таълим соҳаларида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида изчиллик билан олға бормоқда. Таълим соҳасига ажратилаётган инвестициялар ушбу ва бошқа йўналишларда гендер тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари билан мустаҳкамланмоқда.

Ишончим комилки, таълим соҳасига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратади. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модель, авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва тарбия мамлакат самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омилларидандир. Шу муносабат билан Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда ва бунинг ярми таълим соҳасига тўғри келади.

Таълим соҳасини тараққий эттириш дастури ва бу соҳага киритилаётган инвестициялар касб-ҳунар таълимини ривожлантиришни ҳам ўз ичига олади. 12 йиллик универсал ва мажбурий бепул таълим дастури 9 йиллик умумий ўрта таълимни ҳам ўзига қамраб олади. Бу дастур ўқувчиларга иқтисодиёт миқёсида энг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган соҳалар билан боғлиқ йўналишлар бўйича касб-ҳунар кўникмаларини эгаллаш имконини бермоқда. Таълим тизими, шунингдек, тобора кўпроқ технологиялар ва замонавий оммавий ахборот воситалари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш негизига қурилмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда замонавий воситалар билан жиҳозланган 1500 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, 59 олий ўқув юрти, Европа ва Осиёнинг нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда Қуёш энергияси бўйича халқаро илмий-тадқиқот институтининг таъсис этилиши таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга яна бир ёрқин мисолдир. Кеча ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида мазкур институтни ҳамкорликда ташкил этиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистондаги катта қизиқиш уйғотаётган дастурлардан бири - бу Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидир. Бу инновациялар ва диверсификацияга ёрқин мисол бўлиб, интеллектуал ва жисмоний ривожланишни соғлом турмуш тарзи билан уйғунлаштириш нечоғлик улкан самаралар бераётганини яққол кўрсатмоқда.

Таълим соҳаси бизнинг «Стратегия-2020» деб номланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиямизнинг бешта асосий йўналишларидан биридир. ОТБ таълим соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат бўйича мактаблар, ўқитувчиларни тайёрлаш, дарсликлар ва таълим дастурларини молиялаштиришга оид саккизта лойиҳа маъқулланган.

Ижтимоий ва инсон салоҳияти барқарор иқтисодий юксалишнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон бугунги ва эртанги кунга доир вазифаларни изчиллик билан ҳал этиш учун муҳим қадамлар қўймоқда. Бу иқтисодий ўсиш натижаларининг барча ва ҳар бир киши ўртасида тенг тақсимланишини таъминлайди. Таълим - имкониятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон. У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатдошликнинг кучайиши ва ютуқлар кўпайишининг муҳим омили вазифасини ўтайди.

Пировардида ОТБнинг «Осиё-2050» тадқиқотига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мазкур тадқиқотда келажак иқтисодиёти чуқур билим, илм-фан ва технологик инновацияларга асосланиши қайд этилган. Бундай иқтисодиётлар рақобатдош ва самарали бўлади. Улар мамлакатни даромади ўртача бўлган босқичдан даромади юқори давлатлар даражасига етказишда, тинч ва барқарор жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундай иқтисодиётлар юксак билимга, таълим соҳасидаги ютуқларга, энг илғор технологиялар устуворлиги ва тадбиркорлик ғайрат-шижоатига таянади.

Ушбу анжуман таълим ва билим эгаллаш нақадар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлайди. Ўзбекистон таълим соҳасида энг юксак стандартларга амал қилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати бу борада ғоят самарали ишларни амалга ошираётганини таъкидламоқчиман. Келажакка мўлжалланган саъй-ҳаракатлар юксак ва узоқ муддатли натижалар беришига ишончим комил.

Ўзбекистон кенг миқёсдаги ўз ривожланиш стратегиясига эга бўлиб, ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий инвестицияларни кўпайтириш йўлидан дадил ва қатъият билан бораверади, деб ишонаман.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида "Қорақалпоғистонда туризмни ривожлантириш, туристлар оқимини ошириш ва уларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

## ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда Савдо-саноат палатаси, "Ўзбектуризм" компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали мутахассислари, меҳмонхона ва ресторанлар ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, Оролбўйида ҳам бу борада кенг имкониятлар мавжуд. Бунда, асосан, саёҳатчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш талаб этилади.

Тадбирда мана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиш, экотуризм, агротуризмни ривожлантириш омиллари хусусида фикрлар билдирилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# НАСЛ ЯХШИЛАНСА, МАҲСУЛДОРЛИК ОШАДИ

**Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича Сирдарё вилоятида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.**

Наслчиликни яхшилаш ҳисобига кейинги уч йилда чорва моллари бош сони вилоятда 22 минг бошга ўсди. Айниқса, кейинги йилларда вилоятда йирик чорвачилик комплексларини қуриб, уларда зотли моллар кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Ховос тумани "Янгиер" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги "Энерго насл-чорва" шуъба корхонасига 486 бош "Голштейн фриз" зотли наслли моллар келтирилганди. Ўтган қисқа даврда улардан қарийб 800 бошдан зиёд наслдор бузоқ олинди. Айни вақтда шуъба корхонаси жамоаси вилоятдаги чорвачилик фермер хўжаликларига наслли моллар етказиб беряпти. Сут маҳсулотларини қайта ишлаш цехида 7 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, Янгиер, Ширин ва Гулистон шаҳарлари аҳолисига тортиқ этилмоқда.

Республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ташаббуси билан 2010 йилда Сирдарё туманидаги "Ҳақиқат" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида 800 бошдан ортиқ қорамол боқишга мўлжалланган "Интер милк" масъулияти чекланган жамияти чорвачилик комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилганди. Қисқа вақтда бу ерга Голландиядан 425 бош зотли қорамол олиб келинди. Ўтган даврда зотли сигирлардан 400 бошдан кўпроқ бузоқ олиниб, қорамоллар бош сони кўпайтирилди. Чорва моллари учун 772,1 гектар майдонда мўл озуқа етиштирилаётганлиги сут маҳсулдорлигининг кунига 22-23 килограммга етказилишини таъминламоқда.





Мирзачўл иқлими ва шароитига мос қорамол зотларидан бири Бушуев зотли моллар бўлиб, бу моллар 1905-1906 йилларда чорвашунос олим М.Бушуев томонидан Сайхунобод туманидаги ("Шоликор" хўжалиги) ҳозирги "Янгиобод" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида маҳаллий қорамолларни голланд, швиц ва сименталь зотли молларга чатиштириш орқали яратилганди. Танасининг асосий қисми оқ тусли, ҳар-ҳар жойида қора ва қизил доғлар бўлган бу зотлар қуруқ иқлим шароитига яхши мослашган. Қон-паразит касалликларига ўта чидамли. Шунингдек, сути таркибидаги ёғ миқдори 4,5-5 фоизни ташкил этади.

Шу боис, вилоятда Бушуев зотли молларни кўпайтиришга катта аҳамият берилаётир. Сирдарё туманидаги "Меҳри дарё", "Турон равнақ барака", Сайхунобод туманидаги "Наврўзбой", "Раҳматулла чорвадор", "Турон" фермер хўжаликларида ушбу зотдаги сигирлар парваришланмоқда.

"Наврўзбой", "Раҳматулла чорвадор", "Турон" фермер хўжаликлари раҳбарлари ака-ука — Назир, Сафар ва Аҳмаджон Раҳматуллаевлар бир ёқадан бош чиқаришиб, "Турон" фермер хўжалиги негизида йирик чорвачилик хўжалигини ташкил қилишга бел боғлашганди. Йиллар ўтиши билан чорвачиликдаги тажрибалари бойиб борди.

— Ишнинг бошланиши осон кечмади, — дейди "Турон" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Раҳматуллаев. — Дастлаб 1994 йилда аукцион орқали 20 бош Бушуев зотли қорамол сотиб олдик. Ўтган ўн саккиз йил ичида ўз маблағимиз ҳисобига зотли молларни 656 бошга етказдик. Шунинг 233 боши соғин сигирларни ташкил этади. Замонавий қурилган молхона, ветеринария хоналари хориж фермерлариникидан асло қолишмайди.

Жамғарилган 4215 тонна силос, 610 тонна беда, 60 тонна сомон чорвадорларнинг қишловга пухта тайёргарлик кўрганликларидан далолат беради. Шунга яраша сигирларнинг сут маҳсулдорлиги кунига ўртача 22-23 килограммга тўғри келяпти. Ҳар 100 бош сигирдан 92 бошдан бузоқ олинмоқда.

Сирдарё туманидаги "Интер милк" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Сайхунобод туманидаги "Турон" чорвачилик фермер хўжаликларида Олий Мажлис депутатлари иштирокида ўтказилган кўргазмали семинарда ҳам наслли молларни кўпайтириш, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, маҳсулдорликни ошириш, чорва маҳсулотларини қайта ишлашни изчил йўлга қўйиш кун тартибидаги асосий масалалар этиб белгиланди. Семинарда туманлар ҳокимлари, бош чорвашунослар, ветеринария пунктлари мутахассислари, чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари раҳбарлари қатнашдилар.

Семинарда зотли моллар, айниқса, иссиқ иқлим шароитига чидамли Бушуев зотли молларни кўпайтириш, воҳада гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган бўрдоқичилик хўжаликларини ташкил этиш борасида ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Вниманию организаций и предприятий!*

## ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ ПО СТРОИТЕЛЬСТВУ ОБЪЕКТОВ АГЕНТСТВА «УЗКОММУНХИЗМАТ» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА ОБЪЕКТ:

**«Строительство внеплощадочной канализации СИЭЗ «Навои» (2-этап), очистные сооружения с полной биологической очисткой».**

**Стартовая стоимость заказчика** без НДС 7 665 826 833 сум, с НДС 9 198 992 199 сум.

**Срок завершения строительства** 540 дней.

**Финансирование осуществляется** за счет средств государственного бюджета.

**Заказчик:** Инжиниринговая компания по строительству объектов агентства «Узкоммунхизмат».

**Расположенный** г.Ташкент ул. Ниёзбек йули 1.

*(по объектам на строительство и реконструкцию, стоимостью более 500 млн. сум, при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)*

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия-2а, тел. 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гвасалия-2а, тел: 225-49-96

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Қашқадарё вилояти Касби тумани ҳокимининг 2011 йил 5 сентябрдаги 1308/9-сонли ва 2011 йил 19 сентябрдаги Х-1376/9-сонли қарорларига ҳамда 2012 йил 31 январдаги 02/40-хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танловга қўйилмоқда:**

**1.** Савдо дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 100,0 кв.м. ер участкаси майдони 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 638 500 сўм.

**2.** Озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 130,0 кв.м. ер участкаси майдони 130,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 278 610 сўм.

**3.** Хўжалик моллари дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 130,0 кв.м. ер участкаси майдони 130,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 278 610 сўм.

**4.** Алоқа хизмати биноси қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 130,0 кв.м. ер участкаси майдони 130,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 278 610 сўм.

**5.** Савдо дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 130,0 кв.м. ер участкаси майдони 130,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 278 610 сўм.

**6.** Савдо дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 72,0 кв.м. ер участкаси майдони 72,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 523 780 сўм.

**7.** Хўжалик моллари дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 60,0 кв.м. ер участкаси майдони 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 474 620 сўм.

**8.** Савдо дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 60,0 кв.м. ер участкаси майдони 60,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 474 620 сўм.

**9.** Савдо дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 100,0 кв.м. ер участкаси майдони 100,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 638 500 сўм.

**10.** Савдо дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 45,0 кв.м. ер участкаси майдони 45,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 413 160 сўм.

**11.** Хўжалик моллари дўкони қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 45,0 кв.м. ер участкаси майдони 45,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 413 160 сўм.

**12.** Савдо дўконлари қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (1 дан 18 гача) 18 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 27,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 27,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 70 000 сўмдан.

**13.** Савдо дўконлари қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (19 дан 33 гача) 15 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 24,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 83 253 сўмдан.

**14.** Савдо дўконлари биноси қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (34 дан 45 гача) 12 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 27,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 27,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 70 000 сўмдан.

**15.** Савдо дўконлари қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (46 дан 57 гача) 12 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 27,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 27,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 70 000 сўмдан.

**16.** Савдо дўконлари қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (58 дан 69 гача) 12 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 24,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 83 253 сўмдан.

**17.** Савдо дўконлари қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (70 дан 81 гача) 12 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 24,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 83 253 сўмдан.

**18.** Савдо дўконлари биноси қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (82 дан 103 гача) 22 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 24,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 83 253 сўмдан.

**19.** Савдо дўконлари қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (104 дан 119 гача) 16 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 27,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 27,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 70 000 сўмдан.

**20.** Савдо дўконлари қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (120 дан 135 гача) 16 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 27,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 27,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 70 000 сўмдан.

**21.** Савдо дўконлари қуриш учун, Касби тумани, Муғлон шаҳарчаси, Муғлон ҚФЙ ҳудудида жойлашган (136 дан 150 гача) 15 дона, ҳар бирининг қурилиш майдони 24,0 кв.м. ҳар бирининг ер участкаси майдони 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 83 253 сўмдан.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Касби тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил 12 мартгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 9 март куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Касби тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 12 март куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 12 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 12 март кунидаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 27 март куни соат 11.00 да, 2012 йилнинг 12 апрель куни соат 11.00 да ҳамда 2012 йилнинг 27 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 26 март куни соат 18.00 да, 2012 йил 11 апрель куни соат 18.00 да ҳамда 2012 йил 26 апрель куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Касби тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 27 март куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 27 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади, 2012 йил 12 апрель куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 12 апрель куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади ҳамда 2012 йил 27 апрель куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 27 апрель куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ҳокимининг 2011 йил 17 августдаги Х-363/08-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такроран қўйилмоқда:**

**1.** Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, қурилиш майдони 24,6 кв.м. ер майдони 24,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 291 731 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Миришкор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил 6 мартгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 5 март куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Миришкор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 6 март куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 6 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 6 март кунидаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 22 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 20 март куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Миришкор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 22 март куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 22 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - Ko'chmas mulk savdo xizmati МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали.

**Танлов ташкилотчисининг манзили:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй, "Qashqadaryo mulk markazi" МЧЖ биноси. **Телефон/факс:** (8-375) 225-44-58, **электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz. **Веб-сайт:** www.1kms.uz. **Лицензия:** RR-0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотека банк" Қашқадарё вилояти филиали, ҳ/р: 20208000004920609009, МФО 00190, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй, "Qashqadaryo mulk markazi" МЧЖ биноси.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз:**
**(+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**
**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади.**
**Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

# ҚУЛУПНАЙ ЭКИНГ ВА ПАРВАРИШ ҚИЛИНГ

**Қулупнай фақат гажак (кўчат)ларидан кўпайтирилади. Ғажаклари ҳосил териб олингач, кўчатга яроқли бўлади. Бир йиллик ўсимликларда гажаклар кўп бўлади. Кекса ўсимликдан олинганлари яхши тутмайди ёки тутганида ҳам мўл ҳосил бермайди. Экилганига уч йилдан ошмаган қулупнай тупларидан сара кўчат олиш мумкин.**

**Кароматхон МАМАТОВА,**
**«Фарғонакимё» масъул ходими, агроном.**

Яхши парвариш қилинган бир гектар қулупнайзордан 300-500 минг донагача гажак олинади. Аммо кўчатлар ҳаддан зиёд кўп олинса, ҳосил кескин камайиб кетади. Шу боис махсус кўчат етиштирадиган қулупнайзор барпо этган маъқул. Унда ўсимлик сийракроқ жойлаштирилади. Ҳосил йиғиштириб олингач, қулупнайзор яхшилаб суғорилиб, ери юмшатилади. Гажаклари серилдиз бўлиб етилиши учун ўсимлик пояларини ерга ётқизиб, тупроққа сал кўмиб қўйиш керак.

Гажакларни кўчириб олишга киришиш олдидан қулупнайзор захлатиб суғорилади. Сўнгра гажаклар кичик белчада кўчириб олинади. Улар яшик ёки саватга жойланиб, усти ҳўл қоп ёки чипта билан беркитиб қўйилади. Унутманг, ўтқазиладиган гажакларнинг барг бандлари қисқа, ўсиш куртаги ва илдизи бир меъёрда бўлиши керак.

Сараланган кўчат 10 тадан бойланиб, илдизи суюқ лой аталасига ботириб олинади. Сўнгра яшикка зич ҳолда бир қатор қилиб жойланади. Кўчат ўтқазиладиган жойга келтирилганда яшик қопқоғини тезда очиб қўйиш зарур. Шикастланганлари олиб ташланиб, соғлом кўчатлар экилади. Сўлий бошлаган кўчатларни ҳам ташлаб юборишга шошилманг. Чунки уни 1-1,5 соатча сувга солиб қўйилса, ўз ҳолига қайтиши мумкин.

Узоққа жўнатиладиган кўчатлар жойлаштирилган яшикнинг ён тахтаси ёки қопқоғи ҳаво кириб туриши учун тешиб қўйилади. Акс ҳолда, ўсимлик димиқиб чириб қолиши мумкин. Яшик ичига ва ёнларига ҳўл тўсин (мох) тиқиб қўйилади. Ёки яшик ичига 3 см. қалинликда намланган ёғоч қипиғи солинади.

Қулупнай атрофи очиқ, текис ёки сал қияроқ жойда яхши ривожланади. Энг муҳими, қулупнайни ҳали ҳосилга кирмаган боғ қатор ораларига ҳам экса бўлади.

Қулупнай учун енгил қумоқ тупроқли ерларни танлаган маъқул. Серқум ерларда қулупнай меваси майда ва камсувроқ бўлади. Шўрхок ерларда эса қулупнай етиштириб бўлмайди. Бунинг учун аввало, ер шўрини ювиш ва бошқа экинлар экиб майдон тупроғини яхшилаш зарур. Шағал ва қум қавати 40-50 см. чуқурликда бўлган жойларга қулупнай экса бўлади. Зах ерларда қулупнай ўстиришни хаёлингизга ҳам келтирманг. Бунинг учун ер ости суви камида 1 метр пастда бўлиши керак. Қулупнай шудгорланган, шунингдек, таги юмшатилган экинлардан бўшаган майдонларда яхши ривожланади.

Қулупнай экишнинг энг мақбул вақти **июль ойининг охири** ва **август ойининг боши** ҳисобланади. Кўкламда эса **март ойида** экилади. Бундан кечиктирилса, кўчат тутмай қолади ёки тутганлари ҳам заиф ўсади. Кўкламги экилган қулупнай шу йили ҳосил бермайди, кузда ва ёзда ўтқазилган кўчатлар келгуси йили мева туга бошлайди.

Кўчат ёзда ўтқазиладиган бўлса, ер кузда 25-35 см. чуқурликда шудгорланади. Агарда сиз беда-поя бўлган жойда қулупнай экишни мўлжаллаётган бўлсангиз, бу ер кўкламда бороналанганидан кейин ҳайдалиши керак. Сўнгра кўчат экиш олдидан 18-20 см. чуқурликда иккинчи марта ҳайдалиб, илдизпоялар териб олинади. Ер яхшилаб текисланади. Ҳайдаш олдидан гектарига 40 тонна ҳисобида чала чириган маҳаллий ўғит, 100-160 килограмм фосфор ҳисобида минерал ўғит солинади.

Қулупнай кўчати қатор ораларини 80 см.дан, туп орасини 25 см.дан қилиб экилади. Шунда гектарига 50 минг туп кўчат тўғри келади. Шунингдек, квадрат уялаб экиш ҳам яхши натижа беради. Бунда механизациядан фойдаланиш жараёни осонлашибгина қолмай, қўл меҳнати ҳам камаяди. Бу усулда ўсимлик оралари 70х70 см. ёки 80х80 см. қилиб экилади. Ҳар уяга 2 тадан кўчат жойланади. Бунда гектарига 35-40 минг туп кўчат қадаш мумкин.

Кўчат экилганидан кейин ўзини тутиб олгунича ҳар 2-3 кунда, ҳатто ҳар куни суғориб турилиши керак. Икки ҳафтадан сўнг тутмай қолганларининг ўрнига қайта экилади. Бир маромда илдиз отган қулупнайзор қатор оралари ҳар галги суғориш олдидан эгат олиниб, суғоришдан кейин культивация қилинади.

Қулупнайзор сентябрь ойи охиригача 7-10 кунда суғорилиб, юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланиб турилиши керак. Куз фаслида қатор оралари юзасини юмшатиш муҳимлиги эсингиздан чиқмасин.



Кўчати кўкламда экилган ўсимлик гажаклари ёзнинг иккинчи ярмида олиб ташланади.

Республикамизнинг шимолий ҳудудларида кеч кузда экилган қулупнайзор усти гўнг ва хашак билан ёпилади. Эрта баҳорда олиб ташланади. Шунингдек, ортиқча гажаклари ҳам юлиб ташланиши керак. Қатор оралари ҳайдалиб, кетма-кет юмшатилиб турилади. Туп оралари эса кетмон ёки тешада чопилади. Ҳар йили кўкламда гектарига 300 килограммдан аммиак селитра солинади. Ҳосил қилишининг иккинчи йилидан эса гектарига 200 килограммдан суперфосфат солинади. Шу билан бирга, ҳосил йиғиб олиганидан сўнг ўсимликда гул куртаклари пайдо бўлиш вақтида ҳам шунча миқдорда суперфосфат солиниши керак.

Ёзда қатор оралари ҳар галги суғоришдан кейин юмшатилади. Кўклам ва кузда меваси йиғиб олингач, туп ораларига ишлов берилади. Тупроқ остидаги илдизпоялари шикастланмаслиги ва очилиб қолмаслиги учун ўсимлик авайлаб чопилиши керак. Ёз ойида ҳосил йиғиштирилганидан сўнг ўсимликдаги ортиқча гажаклар юлиб ташланади. Бунда ҳар тупда 2-3 та тўп барг қолдирилса бўлди.

Қулупнай бутун ёз бўйи 13-14 мартагача суғорилади. Биринчи сув ўсимлик гуллашигача, ёппасига гуллагач ва биринчи ҳосил терилгунга қадар 2-3 маротаба, ҳосил йиғиш пайтида 5-7 кун оралатиб суғориб турилади. Ҳосил теримидан сўнг ўсиш даврининг охиригача яна 4-5 марта суғорилади.

Юртимизда ўсимликнинг ўсув даври узоқ бўлганидан икки марта ҳосил олиш мумкин. Бунинг учун кўкламги ҳосил йиғимидан кейин ўсимлик барглари сийраклатилса, кузда иккинчи марта ҳосил беради. Кўпинча икки ёки ундан ортиқроқ йилги қулупнайзорларда ҳосил камайиб кетади. Уни ошириш учун ўсимликни яшартириш, яъни ҳосилдан кейин ер бағирлатиб ёки ер бетидан 0,5 см. юқорироғини ўриб қўйиш керак. Сўнгра ер юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланди ҳамда ўғитланиб, қондириб суғорилади. Натижада ўсимлик тез ривожланиб, келаси йили мўл ҳосил беради. Айтиш керакки, ёшартирилган ўсимликлар касаллик ва зараркунандалардан камроқ шикастланади.

Қулупнай март ойининг охири ва апрелнинг бошларида гуллайди. Уни кўкламги совуқлардан сақлаш учун тутатиш уюмчаларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, қор тушиши олдидан кечқурун қондириб суғориш ҳам ўсимликни совуқ уришидан сақлайди.

Ҳосил йиғиш даври май ойидан бошланади. Қулупнай эрталаб шудринг кўтарилганда ва кечки салқин туша бошлаганда терилади. У банди билан узиб олинади. Экилганига беш йилдан ортиқ вақт бўлган қулупнайзорларни бузиб ташлаган маъқул. Улардан кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди.




ТЕННИС

## ИСТОМИН РЕЙТИНГДА ЮҚОРИЛАДИ

**Сан-Хосе шаҳрида умумий соврин жамғармаси 531 минг АҚШ долларини ташкил этган теннис турнири якунига етди.**



Мазкур АТР турнирининг финали ҳамюртимиз Денис Истомин ҳамда канадалик теннисчи Милош Раонич ўртасида бўлиб ўтди. Икки сет натижасига кўра, 6:7, 2:6 ҳисобида канадалик теннисчи ғалаба қозонди. Шу тариқа Денис Истомин иккинчи бор АТР турнири ғолиби бўлиш имкониятини қўлдан чиқарди. Бунгача Денис 2010 йил АҚШнинг Нью-Хэйвене шаҳрида ўтказилган АТР турнирида ҳам муваффақиятли иштирок этган, аммо финалда украиналик теннисчи Сергей Стаховскийга имкониятни бой берган эди.

Шундай бўлса-да, турнир финалига қадар етиб боргани Денисннинг бир қанча очко жамғаришига ва АТР рейтингидаги ўрнининг кўтарилишига сабаб бўлди. Истомин мазкур турнирдан сўнг ўн икки поғонага юқорилаб, ҳозирда рейтингда 49-бўлиб турибди.

ФУТБОЛ

## ФИФА ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИ ЖАЗОЛАДИ

**Марсел Матье бошчилигидаги ФИФА интизом қўмитаси томонидан Ўзбекистон терма жамоасининг беш нафар ўйинчисига жазо чорасини қўллаш тўғрисида қарор чиқарилди.**



Бунга Ўзбекистон терма жамоасининг 2011 йил 11 ноябрь куни Тожикистон терма жамоасига қарши ўтказилган учрашувда рўй берган ҳолат сабаб бўлган.

Ўша учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари 70-дақиқада 2:0 ҳисобида олдинда бора туриб, ҳакам томонидан вақтни чўзганликда айбланган ва кетма-кет сариқ карточкалар олган эдилар. Ўша учрашувда огоҳлантирилган футболчилар орасида аввал ҳам сариқ карточка олганлар бўлиб, гуруҳдаги сўнгги учрашувнинг аҳамияти юқори эмасди. Шу сабаб, терма жамоамиз "тозалаб" олишга ҳаракат қилинганликда айбланмоқда.

Аслида, бу футболчилар ФИФА тартиб ва интизом кодексининг 17 параграф, 3-моддаси бўйича 29 февраль куни учинчи босқичнинг сўнгги, Японияга қарши ўтказиладиган ўйинини ўтказиб юбориши керак эди. Учрашувнинг расмий протоколи ва унда юз берган ҳолат видеолавҳаларини кўриб чиққан ФИФА тартиб ва интизом қўмитаси беш нафар футболчимизни 57-моддага биноан қўшимча жазога тортишга қарор қилди.

Унга кўра Шавкат Муллажонов, Санжар Турсунов, Ислом Тўхтахўжаев, Сервер Жепаров ва Вагиз Галиуллинлар ЖЧ-2014 саралаш мусобақасининг якуний тўртинчи босқич биринчи учрашувини ўтказиб юборишга мажбур бўладилар.

Бунга қўшимча тариқасида юқорида номи келтирилган ўйинчиларнинг ҳар бири 3 минг Швейцария франки миқдорида жарима тўлайдилар. Шунингдек, ЎФФ ҳам 18 минг Швейцария франки миқдорида жаримага тортилади.

ШАХМАТ

## ОЛИЙ ЛИГА ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Пойтахтимизда шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи лига беллашувлари ўтказилди.**



Эркаклар ўртасидаги мусобақанинг ярим финалида 90 нафарга яқин шахматчи биринчи лиганинг ҳал қилувчи финал босқичига бериладиган олти йўлланма учун ўзаро дона суришди. Швейцария усулида ўтказилган мусобақада саккиз яримтадан очко жамғарган Алишер Бекмуродов ва Роман Голубев ғолиб чиқди.

Мусобақада барқарор ўйин кўрсатиб, кучли олтиликка кирган Вилдан Галямов, ФИДЕ устаси Иброҳим Каримов, Мақсад Сапаев ҳамда Сирожиддин Нажмиддинов ҳам биринчи лиганинг финал босқичида дона сурадиган бўлди.

Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасининг аёллар ўртасидаги финал босқичида 30 нафардан зиёд шахматчи совринли ўринлар ва олий лиганинг тўрт йўлланмаси учун ўзаро рақобатлашди.

Тўққиз турдан иборат мусобақада шахмат бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори Гулруҳбегим Тоҳиржонова ғалаба қозонди. Севара Боймуродова иккинчи, Баҳора Абдусатторова учинчи ўриндан жой олди. Шунингдек, мусобақани 6,5 очко билан тўртинчи ўринда якунлаган Мафтуна Орзиқулова ҳам мамлакатимиз чемпионатининг олий лигасида иштирок этадиган бўлди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Самарқанд Вилояти

**Вилоят Ёшлар марказида "2012 йил — Мустаҳкам оила йили"даги муҳим вазифаларга бағишланган минтақавий давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилояти фуқаролик ишлари бўйича судьялари, адлия идоралари ходимлари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.**

## МУСТАҲКАМ ОИЛА — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Тадбирда таъкидланганидек, оила – муқаддас даргоҳ. Унинг мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг кафолатидир. Конституциямизда оила ва жамият тушунчалари ҳамда давлатнинг уларга бўлган муносабати мустаҳкамлаб қўйилган. Бош қонунимизнинг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дея қатъий белгилаб қўйилган.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига асосан оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этиш учун маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада қатор ишлар амалга оширилаётир. Оилавий келишмовчиликларни маҳалла доирасида кўпни кўрган кексалар ва фаоллар ёрдамида ҳал этиш – ярашув жараёнларини маҳалланинг ўзида амалга ошириш одат тусига айланди.

Бугунги кунда кенг кўламли ишлар олиб борилишига қарамай, айрим камчиликлар ҳам учраб турибди. Айниқса, ажралишлар сони камаймаётганлиги жуда ачинарлидир. Хусусан, 2010 йилда республика бўйича суд идораларига 29651 та ажралиш ҳақидаги даъво аризаси тушган бўлса, 2011 йилда мазкур кўрсаткич 31720 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, оталикни белгилаш ҳолатлари 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 368 тага кўпайган.

Тадбир иштирокчилари оилада юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИБП ИСТОЧНИКИ БЕСПЕРЕБОЙНОГО ПИТАНИЯ
производства «КВАЗАР» Украина
от 500Вт до 27кВт
под заказ
т.:+99871 230-55-62, +99890 984-00-37



АГРОМАШ
ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА УНГА ОСМА ВА УЛАМА УСКУНАЛАР, ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ВА СИФАТЛИ СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТАДИ
Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1
Тел.: + 998 71 234 96 11; +998 71 120 96 11; +998 71 120 96 12
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru



Республика Эстрада-цирк коллежи томонидан 2005 й.да Раупов Самандар Рашидович номига берилган К № 270954 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. А.Икромов т. ҳокимининг 16.10.2002 й.даги 948-сонли қарорига асосан (18.10.2002 й., реестр № 01-000320) рўйхатга олинган ва Учтепа т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 06.09.2006 й.да қайта рўйхатга олинган "BAXT-NIHOL" ХФнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгартирилганлигини маълум қилади. Даъволар 2 ой мобайнида 387-98-86 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004786-01, 06.10.2011 й.) рўйхатга олинган "INTER KREDIT MIKROKREDIT TASHKILOTI" МЧЖ (ИНН 302113743) тугатилади (таъсисчиларнинг 20.02.2012 й.даги 2-сонли йиғилиш баёни қарорига асосан). Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида 724-65-05 тел. орқали қабул қилинади.

ЧП "U DMITRIYA" (ИНН 301317434) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Хокимията Учтепинского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-12, 22, 63, ликвидируется (протокол собрания №1 от 20.02.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев опубликования данного объявления по тел.: 271-67-67.

ЧП "SAMOINUR-SAVDO" (ИНН 300394523) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства Хокимията (002837-08, 06.04.2007 г.) Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: м-в Гулистон ул. Ковунчи д. 48, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 16.02.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления.

Утерянный план и гос. ордер за № 04-01/11288 от 20.01.1993 года на квартиру по адресу м-в Феруза 47, 71, выданный М.Улугбекский БТИ на имя Яхъяева Виула Шавкатовича, считать недействительными.

Утерянные планы на квартиры по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Фарход д. 18 кв-ра 43; Яккасарайский р-н ул. Фарход д. 6 кв-ра 2; Яккасарайский р-н ул. Усмон Носир д. 140 кв-ра 14, выданные БТИ Яккасарайского р-на г. Ташкента на имя Шарипова Дилшода Камоловича, считать недействительными.

Утерянный план дома расположенного по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н ул. Уйгур проезд Гулабад д. 70, выданный БТИ Шайхантахурского р-на на имя Закирова Хашима, считать недействительным.

ООО "UNDER BRIDGE PETROL" Яккасарайского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшение уставного фонда с 925 000 000 сум до 475 000 000 сум.

ООО "RKT TEHNO" (ИНН 300058568) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Алмазарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н массив Кора-Камыш 1/1 д. 24 кв-ра 19, ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления.

Утерянный план на квартиру расположенной по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н массив-4 д. 31 кв-ра 30, выданный Сергелийским БТИ на имя Ким Нелли Валентиновны, считать недействительным.

"BARAKA-TUZ SERVIS" Хусусий корхонасига (ИНН 301064236) Тошкент ш. Синов ва сертификатлаш маркази томонидан (реестр № 0738255; 21.04.2009 й.) "BARAKA" ош тузи учун берилган Мувофиқлик сертификати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Қўйлиқ даҳасидаги касб-ҳунар коллежи томонидан 2004 й.да Исмаилов Ридван Муродасилович номига берилган № 274779 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат O'R-A № 880765, выданный в 2000 г. шк. № 3 Сергелийского р-на г. Ташкента на имя Аитбековой Айдын Шаняровны, считать недействительным.

Утерянную клуглую печать и угловой штамп ЧП "JAVLON BARAKA PLUS" (ИНН 300733148) зарегистрированного отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на . г. Ташкента ул. Чопон-ота д. 28 а, выданную разрешитльным отделом Чиланзарского РОВД, считать недействительными.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИИ СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА ТАШКЕНТСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

**Строительство РМО в МФЙ Истикбол г. Паркенте Паркентского района Ташкентской области.**

Стартовая стоимость с НДС — **11 356 356 493 сум.**

Стартовая стоимость без НДС — **9 463 630 411 сум.**

Срок строительства — **21 месяцев.**

Строительство будет выполнятся за счет средств заказчика выделяемых из внебюджетного фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения образовательных и медицинских учреждений.

**Организатор торгов**: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве, Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Адрес заказчика:** г.Ташкент проспект Амира Темура дом 19. Телефон: (8371) 233-06-95

К претендентам на участия в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств в размере 20 % от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставления указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключения договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предостовления сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу г.Ташкент, ул.Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации —150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок предоставления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент проспект Амира Темура дом 19.

Вскрытие оферт состоится не менее через 15 дней после опубликования объявления.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: М.ҒАФУРОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-214, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.10
24917 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.